# Qishloq hayoti

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 3-FEVRAL, JUMA, 16 (7945) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон бўлимининг кўргазмалар саройида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Айнура Сапекееванинг ижодий кўргазмаси очилди. Ёш мўйқалам соҳибасининг гўзалликка ошуфта қалб кўри, она Ватанга меҳр-муҳаббат ҳисси билан йўғрилган элликка яқин асарлари кўргазма иштирокчиларида катта таассурот қолдирмоқда. 2




Мамлакатимиздаги йирик кимё саноати корхоналаридан бири "Навоийазот" очиқ акциядорлик жамиятида 100 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Улардан қишлоқ хўжалиги, қимматбаҳо рангли металлар қазиб олиш, енгил саноат, мебелсозлик, электроника, фармацевтика ва авиация соҳаларида кенг фойдаланилмоқда. 3



...Тошкент метрополитенининг "Пахтакор" бекатидан "Алишер Навоий" бекатига ўтарканcиз, дастлаб улкан панноға кўзингиз тушади: бепоён само бағридаги ёғдуси бетакрор, йўли ойдин юлдузлар жилваси – улуғ шоир тасаввури ва тафаккури қудрати ифодаси. "Хамса" достонларига бағишлаб ишланган нақшлар комил Инсон манзилига элтажак муборак йўл тимсолларидир. 4


САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА


Самарқанд Вилояти

## «СТЕКЛОПЛАСТИК» МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБ КАТТА

**Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили юртимиздаги таълим муассасалари, маҳаллаларда замонавий спорт мажмуалари қурилмоқда. Ушбу иншоотларни зарур спорт инвентарлари билан таъминлашда юртимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга.**



Самарқанд туманидаги «Стеклопластик» масъулияти чекланган жамияти ана шундай корхоналардан. Бу ерда олтмиш турдан зиёд спорт жиҳозлари ишлаб чиқарилиб, юртимиздаги таълим муассасалари, спорт мажмуаларига етказиб берилмоқда.

Мазкур корхона қарийб тўрт йилдан буён ISO 9001:2008 сифат менежменти тизимини жорий этган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажми ва тайёрланаётган махсулот сифатини ошириб бориш, таълим муассасаларини махсус мебель ва спорт жиҳозлари билан таъминлаш бўйича миллий ва халқаро тендер танловларида муваффақиятли иштирок этиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Жорий йилда Навоий шаҳрида юртимиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларига тайёргарлик жараёнида ҳам корхона фаол қатнашмоқда. Мазкур тадбир ўтказиладиган стадион учун 23 минг ўриндиқ тайёрланмоқда.

**СУРАТДА:** *корхона ишчиси Ислом Бобонов.*

**Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

Жиззах Вилояти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Жиззах вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Тадбиркорлик – мустаҳкам оила пойдевори» шиори остида бизнес-форум ўтказди. Унда мамлакатимиздаги тижорат банклари вакиллари иштирокчиларни аҳолига таклиф этилаётган банк хизматлари билан таништирди.*

## ТАДБИРКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида эришилган ютуқларни эътироф этиб, ушбу соҳани янада тараққий эттириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Мазкур соҳани ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиётида нечоғлик муҳим ўрин тутишини «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга оширишда эришилган натижалар ҳам кўрсатиб турибди. Ўтган йили Жиззах вилоятида дастурда белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши самарасида тадбиркорлик субъектлари сони олдинги йилга нисбатан 1,5 мингтага кўпайиб, жами 7 минг 800дан ошди.

Бунга асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни банк кредит маблағлари ажратиш йўли билан молиявий қўллаб-қувватлаш туфайли эришилди. Йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига вилоят тижорат банклари томонидан 116 миллиард 468 миллион сўмлик, 2010 йилдагидан 1,4 баробар кўп кредит маблағлари берилди.

Давлатимиз томонидан тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга эътиборнинг кучайтирилаётгани натижасида ушбу субъектларнинг вилоят иқтисодиётидаги улуши, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишдаги аҳамияти тобора ортиб бораётир. 2011 йили тармоқнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 78,3 фоизни ташкил этди. Банк кредитлари ҳисобидан 18 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Ҳозирги кунда вилоятда иш билан банд аҳолининг 75 фоизидан ортиғи шу соҳада меҳнат қилмоқда.

Тадбиркорлар учун ажратилаётган кредитлар ҳажмининг оширилаётгани, уларни бериш механизми такомиллашаётгани, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгилаш учун узоқ муддатли кредитлар берилаётгани ишбилармонларга қўл келмоқда.

Бизнес-форумда тижорат банклари вакиллари тадбир иштирокчиларини 2012 йил учун ажратилаётган кредит ресурсларининг ҳажми, белгиланган имтиёз ва қулайликлар билан таништирди, Мустаҳкам оила йилида амалга ошириш мўлжалланаётган кредитлаш режалари ҳақида маълумотлар берди.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жорий йилда 130 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратиш кўзда тутилаётир. Бунда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши устувор вазифа сифатида белгиланмоқда.

Форумда ўтказилган танловда турли йўналишлар бўйича ғолиб деб топилган 75 лойиҳа эгаларига 18 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича сертификатлар топширилди.

– Ўтган йили банкдан 300 миллион сўмлик кредит олиб, полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эдик, – дейди Жиззах шаҳридаги «Каттабек ХАҚ» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шуҳрат Маматқулов. – Танловга тақдим этган лойиҳамиз маъқулланиб, бугунги форумда банкдан яна 500 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берадиган сертификатга эга бўлдик. Бу корхонамизда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради.

**Тошқул БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири.**

### Куннинг муҳим воқеалари

▶ Ўзбекистон экологик ҳаракатида мамлакатимизда сувли-ботқоқли ҳудудларни муҳофазалаш ва ушбу табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш масалаларига бағишланган анжуман ташкил этилди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар, журналистлар иштирок этди.

▶ **Самарқандда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига баҳорги мавсумда сифатли полиз ва сабзавот экинлари уруғлари ҳамда дарахт кўчатлари етказиб бериш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар ўтказилди.**

▶ Бухорода Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг олий ўқув курслари, вилоят ҳокимлиги ва прокуратураси ҳамкорлигида "Мустаҳкам оила туйғуси ва уни тарғиб этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифалари" мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди. Анжуманда ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, туман ва шаҳарлар хотин-қизлар қўмиталари раислари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, "Маҳалла" жамғармаси вакиллари иштирок этди.

Сирдарё Вилояти

▼ БУНЁДКОРЛИК

## ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

**Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича Сирдарё вилоятида 2009 йилда 60 та, 2010 йилда 275 та, 2011 йилда эса 310 та замонавий уй-жой ва қатор инфратузилма объектлари қурилиб, ишга туширилди.**

Мирзаобод тумани Тошкент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги аввал "Ҳайдар массиви" деб атаб келинган жой кейинги йилларда янгича чирой касб этди. "Мустақилликнинг 20 йиллиги" деб янги ном олган қишлоқда намунавий лойиҳалар асосида 2010 йилда 10 та турар-жой бунёд этилган бўлса, 2011 йилда бу ерда 31 та уй-жой қурилиб, ўз эгаларига топширилди. Бу ердаги янги инфратузилма объектлари — 90 ўринли бошланғич мактаб, 2 та спорт майдончаси, қишлоқ врачлик пункти, алоҳида болалар майдончаси қишлоқ қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Буларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражаси ошаётганидан далолат. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади".

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

▼ ТАРАДДУД

## ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ МАВСУМГА ШАЙ

Касби тумани пахтакорлари жорий йилда давлатга 65 минг 400 тонна сифатли хомашё етказиб бериш мақсадида 22 минг 300 гектар майдонга барака уруғи қадашни режалаштиришган. Шундан 5 минг 100 гектар майдонга илк марта янги қўшқаторлаб экиш усулида чигит уруғи ташланади.





Айни пайтда туман "Агротехсервис" машина-трактор парки масъулияти чекланган жамиятидаги бажарилган ишларни кўриб кўзингиз қувнайди. Техникалар, борона ва плуглар, шунингдек, ташув тракторлари ҳамда комбайнларнинг муддатидан анча олдин мавсумга шайланганлиги баҳри дилингизни очади.

Машина-трактор паркида 113 та культиватор, 74 та чигит экиш сеялкаси, 198 та борона тайёргарлик чизиғига қўйилган. Ишларнинг ўз вақтида бажарилишида токарь Зокир Султонов, пайвандловчи Шуҳрат Тошқулов, чилангарлар Элёр Рўзиев, Баҳодир Худойбердиев, Шерали Худойбердиевларнинг ҳиссаси катта бўлди.

— Ушбу техникалар учун 130 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар келтирилди, — дейди туман МТП раиси Ғовсиддин Эгамбердиев. — Комбайнлар учун ҳам етарли даражада эҳтиёт қисмлар олинди. "Қарши таъмирлаш заводи" МЧЖ жамоаси билан ҳамкорлигимиз фаолиятимизда қўл келяпти. Темирчилик цехида бороналар қайта таъмирланиб, турли хил больт, гайкалар ишлаб чиқарилялти, токарлик цехида кольцо котоклар ўқи йўнилиб, қайта мойланган ҳолатда таъмирланяпти. Бундан ташқари, Муборак, Миришкор, Косон туманлари учун ҳам хизмат кўрсатяпмиз. Қўшқатор экишда ишлатиладиган саккизта янги сеялка олдик.

Хуллас, бу ерда техникаларни мавсумга ҳозирлаш ўтган йилгига қараганда 15 кун олдин ниҳоясига етказилди. Устахона мудири Хўжаахмад Қўлдошевнинг таъкидлашича, таъмирлаш ишларида барча ходимлар ғайрат кўрсатиб ишлади. Улар учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Илғорлар меҳнати рағбатлантирилди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

ФЕРМЕРНИНГ ДИЛ ИЗҲОРИ

НаВоий Вилояти

## КЎЧАТЛАРИМ БОҒ БЎЛҒУСИ

**Мустақилликка эришганимиздан сўнг мулкдорлар синфи шаклланди, ер ҳақиқий эгасини топди. Қишлоқ хўжалиги мутахассисиман, деҳқончиликка меҳрим баланд. Ниятимни истиқлол йилларида амалга оширдим.**

"Улуғбек Лайло боғи" фермер хўжалиги ташкил этиб, боғдорчилик билан шуғулланиб келяпмиз. Дастлаб 4 гектар ердаги эски боғни янгиладик, турли навлардаги мевали кўчатлар ўтқаздик. Кейинчалик экин майдонимиз 9,5 гектарга кенгайди. 5 гектар боғимиз ҳосилга кира бошлади. 2011 йил ички эҳтиёжларимиздан ташқари бозорга қарийб 4 миллион сўмлик мева етказиб бердик. Ундан ташқари, ёш дарахт кўчатлари оралиғига полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштирамиз. Маҳсулотларимизни ишчиларимизга тарқатиб, қолганини бозорга чиқарамиз. Кейинги икки-уч йилдан бери гулчилик билан ҳам шуғулланиб келяпмиз. Ўтган йили салкам 60 минг туп гул кўчати етиштирдик. Бу йил 200 минг туп гул кўчати етказиш ҳаракатидамиз.

Навоий шаҳар марказидан ажратилган 80 сотих иссиқхонада ҳам турфа гуллар етиштириш ниятимиз бор. Биз етиштирган манзарали гуллар шаҳар ва туманларимизга кўрк бағишлаб турганидан фахрланаман. Ўтқазган кўчатларимиз боғларга айланиб, халқимизнинг дастурхонини тўкин қилаётганидан қалбим ғурурга тўлади.

**Назира ШАҲРИДДИНОВА, Кармана туманидаги "Улуғбек Лайло боғи" фермер хўжалиги раҳбари.**

Сирдарё Вилояти

# БИЛИМ ва АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

## *малакали кадрлар тайёрлаш асосидир*

**Сирдарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфида 52 та таълим муассасаси мавжуд. Уларнинг 4 тасини академик лицей, 47 тасини касб-ҳунар коллежлари ва Бахт шаҳар ўғил болалар махсус коллежи ташкил этади. Сўнгги йилларда ушбу таълим муассасалари 8 миллиард 956 миллион сўмлик замонавий ўқув-лаборатория ва компьютер жиҳозлари, техника воситалари ҳамда бошқа турдаги ускуналар билан таъминланди.**

Жумладан, Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи Осиё тараққиёт банки лойиҳаси асосида замонавий ўқув техникалари билан жиҳозланди. Коллеж 1260 нафар ўқувчига мўлжалланган бўлиб, бу ерда ўқувчиларнинг пухта билим олиши ва уни амалиётда мустаҳкамлаши учун барча шарт-шароит яратилган. Ўн йўналиш бўйича кадрлар тайёрлаб бераётган ушбу билим масканида кўп йиллик тажрибалар, изланишларга таяниб, "Бухгалтерия ҳисоби", "Электр тармоқлари ва жиҳозларини ишлатиш", "Қозон қурилмаларини ишлатиш ва таъмирлаш", "Иссиқлик электр станцияларининг иссиқлик энергетика ускуналари", "Телекоммуникация" йўналишлари бўйича янги ўқув режалари ва модуллаштирилган ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Аҳамиятлиси, коллеж республикада ягона дизель ёнилғиси билан ҳаракатга келадиган мини электростанцияга эга. Ўқувчилар электр энергияси ҳосил қилиш жараёнини шу ернинг ўзида кўриб, дастлабки кўникма ҳосил қилишмоқда. "Талаба" кичик корхонаси Япония ва Хитойдан келтирилган 23 та тикув машинаси билан таъминланган. Бу ерда халат, чойшаб, болалар кийим-кечакларидан тортиб Сирдарё иссиқлик энергия станцияси ишчи-хизматчилари учун махсус кийим-бошгача тайёрланмоқда. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасида эса асосан янги русумдаги машиналар таъмирдан чиқарилаётир. Кичик корхона ва шохобчада 10 дан зиёд коллеж битирувчиси меҳнат қиляпти. Коллеж ўқувчилари учун ИЭСда 6 та амалиёт хонаси ташкил этилган. Ўтган йили коллеж битирувчиларининг 150 нафари мазкур ИЭСга ишга жойлаштирилди. Сирдарё ИЭС маъмурияти коллежни оталиққа олганлиги боис ўқув-амалиёт хоналарининг моддий-техника базаси янада яхшиланди. Корхона коллеж иссиқлик тизимини таъмирлаш учун 100 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Бундан ташқари, 11 нафар иқтидорли ўқувчига рағбатлантирувчи стипендия ташкил этилди.



Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бўйича ҳам коллежда бир қатор ишлар амалга оширилди. Коллежнинг 57 минг 713 та китоб фондига эга ахборот-ресурс марказида китобларнинг 10 мингдан ошиғини дарсликлар, 26 мингтасини касбий таълим йўналишидаги қўлланмалар, 18 мингтасини бадиий адабиётлар ташкил қилади. АРМ раҳбари Сафие Султонова, фан ўқитувчилари Холбозор Худойқулов, Карим Султонов, Зулхумор Қаршиева, Фарҳод Раҳмонов, Моҳира Шарипова, Омина Нодирова, Алишер Назаров, ишлаб чиқариш усталари Насрулло Оқилов, Абдуназар Ўрозалиев, Ғафур Халилов, Абдумутал Сатторов каби фидойи, изланувчан мураббийларнинг саъй-ҳаракатлари сабаб Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи вилоятдаги энг намунали, илғор малакали кадрлар тайёрлаб бераётган ўқув масканлари қаторидан жой олди. Коллежда айни вақтда спортнинг 8 тури бўйича тўгараклар ташкил этилган. Бадиий гимнастика залида 50 нафардан зиёд қизлар спорт сирларини пухта ўзлаштириб келмоқда. Ўтган йил 6 нафар ўқитувчи-мураббийлар Австралия, Индонезия, Германия, Голландия каби мамлакатларда малакаларини ошириб қайтди.

— Ўқитувчи ҳар куни изланиши, эртанги кун янгилиги билан яшаши керак, — дейди Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори Ашур Хўжанов. — Ҳозирда бу ерда 500 нафардан зиёд ўқувчи таълим оляпти. Таъкидлаш керакки, аввало, ўқитувчи ўз устида изланиши зарур. Шундагина маънан ва жисмонан баркамол авлодни вояга етказиш мумкин.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

ТАЖРИБА

Хоразм Вилояти

# ҚИЗИЛ КИТОБГА КИРГАН БАЛИҚЛАР КЎПАЙТИРИЛМОҚДА

**Хоразм Маъмун академияси олимлари Ўзбекистон Қизил китобига киритилган Амударё катта ва кичик куракбурун (тошбакра ва қилқуйруқ) балиқларини кўпайтириш бўйича хайрли ишга қўл урдилар — уларни сунъий сув ҳавзаларида боқиб, кўпайтириш ишларини бошлаб юбордилар.**



Ўтган асрнинг 50-йилларигача Амударёнинг Термиз шаҳридан Орол денгизигача бўлган катта масофасида кўп учрайдиган ва овланган, таниқли табиблар томонидан бир қанча касалликларга қарши шифо сифатида қўлланилган бакра балиқларининг фойдаси ҳақида кўплаб ривоятларнинг юрганлиги ҳам мазкур балиқ турининг аҳоли ҳаётида қандай ўрин тутганлигини кўрсатиб туради. Бу ноёб тур балиқларининг йўқолиб кетишига мустабид тузумнинг табиатга мутлақ ҳокимлик — уни инсон измига бўйсундириш нуқтаи назаридан қараб, Амударё сув оқимининг сунъий тартибга солиниши натижасида сув оқиш режимининг ўзгартирилиши сабаб бўлди. Оқибатда табиатдаги аслий мувозанат бузилиб, дарё сувининг лойқаланиши пасайди, ифлосланиши кучайди. Бакра балиқларининг яшаши ва кўпайиш шароити ёмонлашиши устига улар беаёв овланганлиги сабабли бу фойдали жонивор йўқолиш даражасига келиб қолган.

Катта ва кичик куракбурун балиқлари дарёнинг чуқурлиги 2-3 метр, туби қум ва лойли жойларида яшайди, урчийди. Ҳаёт кечириш тарзи етарлича ўрганилмаган табиатнинг бу ноёб мўъжизаси ҳақида баъзи бир маълумотларгагина эгамиз, холос: бакра балиқлари 6-7 йилда вояга етади. Илк баҳор ойлари — март, апрелда урчийди. Улар ҳозирда Бадайтўқай, Қизилқум ва Сурхон қўриқхоналарида муҳофаза қилинмоқда. Йилнинг қайси фасли бўлишига қарамасдан уларни овлаш қатъиян ман қилинган.

Ана шуларни ҳисобга олган академиямиз олимлари, академия раиси, биология фанлари доктори Рўзимбой Эшчановнинг ташаббуси билан ва унинг раҳбарлигида Амударё катта ва кичик куракбуруни, хусусан, қилқуйруқ бакра балиғини кўпайтиришга қарор қилиб, Москва ҳайвонот боғи ва Россия балиқчилик хўжалиги илмий-текшириш институти давлат унитар корхонаси билан ҳамкорлик қилиш мақсадида шартнома имзоладилар. Шартномага асосан 2011 йилнинг ёзида балиқни кўпайтиришга мўлжалланган махсус сунъий сув ҳавзаси ва унинг ускуналарини келтирилди. Сув ҳавзаси вилоятдаги Маъмун академиясининг қишки боғига ўрнатилди ва унда ноябрь ойидан бошлаб бакра балиқларини боқиш йўлга қўйилди.

— Бакра балиқларини парваришлаш ўта нозик иш, — дейди академиянинг катта илмий ходими Зокиржон Ражабов. — Жониворларни муддатида, белгиланган тартибда озиқлантириш, сувни тозалаб туриш талаб этилади. Парваришлаш рисоладагидек олиб борилмаса, балиқларнинг нобуд бўлиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун балиқлар парвариши қаттиқ назорат остига олинган.

Ҳа, бугунги кунда Хоразм Маъмун академияси ходимлари ноёб ҳисобланган бакра балиқларини сунъий шароитда кўпайтириб, дарёга қўйиб юбориш орқали мазкур турнинг сақланиб қолиши ва аввалгидек табиий шароитда кўпайишига ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдалар.

**Машариф АБДУЛЛАЕВ,**
**Хоразм Маъмун академияси илмий котиби.**

Қорақалпоғистон Республикаси

## ЧЎПОНЛАР УЧУН СИНОВ МАВСУМИ

**Қўнғирот туманидаги қоракўлчиликка ихтисослашган "Устюрт" ширкат хўжалигида қиш мавсуми муваффақиятли олиб борилмоқда.**

— Бугунги кунда 20190 бош қўй-қўзи, шундан 9330 бош она совлиқ, 140 бош туя, 321 бош йилқи парваришланмоқда, — дейди ширкат хўжалигининг раиси Аҳмад Сулаймонов. — Қиш мавсуми учун ширкат хўжалигимизда 3685 тонна дағал хашак, 80 тонна омихта ем жамғарилиб, чўпонларнинг отарларига етказилиб берилди. Яқин кунларда яна 85 тонна омихта ем олиб келинади. Қиш мавсумини беталафот ўтказишда ҳар йилгидек ҳомий корхона ва ташкилотлар чўпонларга озиқ-овқат, иссиқ кийим-кечак ва транспортдан ёрдам бермоқда.

## ТЕХНИКАНИ ТАЪМИРЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

**Тахтакўпир туманидаги марказий машина-трактор паркида техникаларни таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Акциядорлик жамият тумандаги "Боршитов", "Давқора", "Ўзбекистон" ва "Маржанкўл" муқобил машина-трактор парклари ҳудудидаги фермерларга техник хизмат кўрсатади. Техника таъмирлари ишларига 40 нафардан зиёд муҳандис-механик, чилангар, токар ва пайвандчилар қатнашмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бугунги кунда мавжуд қишлоқ хўжалиги техникаларининг 70 фоиздан зиёди мавсумга шай этиб қўйилган.

## ЁШ РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

**Ўзбекистон Республикаси бадиий Академияси Қорақалпоғистон бўлимида ёш рассом Айнура Сапекееванинг кўргазмаси очилди.**

Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Айнура Сапекееванинг кўргазмадан жой олган "Овулда", "Оқ тулпор", "Она ва бола", "Дастлабки қор", "Дарахт тагидаги натюрморт" ва бошқа картиналари томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Ёш рассом 2007 йили Ҳиндистонда ўтказилган танловда "Кумуш танга", 2008-2009 йилларда Японияда ўтказилган IX–XIII халқаро болалар кўргазмасида "Гортензия олтин сертификати", 2008 йили Тошкентда ўтказилган II халқаро болалар Биенналесида "Олтин медаль" билан тақдирланган.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

Наманган Вилояти

ПАРРАНДАЧИЛИК — ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

# МИНГБУЛОҚНИНГ КЎЗ ОЧАЁТГАН БУЛОҚЛАРИ

Мингбулоқ туманидаги паррандачиликка ихтисослашган "Пўлатбой-Собирхон-Жобирхон" фермер хўжалигининг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бироқ ортда қолган уч йилда Абдувоҳид Ҳафизов бошчилигидаги фермер хўжалигида ҳар тарафлама ривожланиш, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам оёққа туриб олиш яққол кўзга ташланди.



*Фермер Абдувоҳид Ҳафизов, хўжалик аъзолари Дилором Ҳожиматова, Марғуба Мадраҳимова, Нигора Йўлдошева.*

— Фермер хўжалигимиз туман ҳокимининг 2008 йил 1 декабрдаги 1504-сонли қарорига асосан ташкил этилган, — дейди Абдувоҳид Ҳафизов. — Фермер хўжалиги учун ажратилган жой, собиқ "Навоий" ширкат хўжалигининг чорвачилик комплекси бўлиб, уни қайтадан паррандачиликка мослаштириш, реконструкция ишларини амалга ошириш, сўнгра мукаммал таъмирлаш лозим эди. Бу каби ишлар ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Қурилиш-монтаж ишларини бажаришга катта маблағ кетади. Бундай ишларни жонлантириб олишимизга "Агробанк"нинг туман бўлими мададкор бўлди. Банкдан даставвал 150 миллион сўм, кейинчалик 250 миллион сўм кредит олдик, 70 минг бош товуққа мўлжалланган паррандачилик комплексини бунёд этдик. Айни пайтнинг ўзида Самарқанд вилоятидаги "Мароқанд-парранда" МЧЖ билан икки тарафлама ўзаро манфаатли шартнома тузиб, 30 минг бош "Ломанн-Браун" зотли жўжаларини олиб келиб, парваришлай бошладик.

Барча саъй-ҳаракатлар, сарфланган харажатлар бесамар кетмади. "Пўлатбой-Собирхон-Жобирхон" фермер хўжалиги аъзоларининг астойдил меҳнатлари ўз натижасини кўрсата бошлади. 2010 йили фермер хўжалиги томонидан аҳоли истеъмолига 2 миллион 428 минг дона тухум етказиб берилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йили 6 миллион 395 донани ташкил этди. Шунингдек, фермер хўжалиги аъзолари томонидан эл-юрт дастурхонига 35 тонна парҳезбоп товуқ гўштини тортиқ этилганлиги, алоҳида таҳсинга лойиқдир.

— Айни кунларда фермер хўжалигимизнинг доимий 18 нафар аъзоси бўлиб, уларнинг барчаси бир мақсад сари астойдил меҳнат қилишмоқда, — деб суҳбатни давом эттирди Абдувоҳид Ҳафизов. — Иш юритувчи Илёсжон Обидов, Обиджон Ғаниев, Мўйдинжон Зарипов, Умида Маҳмудова, Абдусаттор Юсупов, Дилором Ҳожиматова, Марғуба Мадраҳимова, Нигора Йўлдошева каби аъзоларимиз фермер хўжалигининг ҳар бир юмушига астойдил камарбаста бўлишаётир. Уларнинг ҳамжиҳатликдаги меҳнати боис фермер хўжалигимиз қисқа вақт ичида оёққа туриб олди. Жорий йил муҳтарам Юртбошимиз томонидан "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинди. Оила мустаҳкамлиги — юрт таянчи, ҳисобланади. Шундай экан, ҳар биримиз баҳоли-қудрат оила мустаҳкамлигига ҳисса қўшишимиз керак бўлади. Жорий йилда ҳам эл-юрт дастурхонига 7 миллион 500 минг дона тухум маҳсулотини етказиб беришни режалаштирганмиз. Бунинг учун бизда барча имконият ва шароитлар етарли.

Туман ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий бўлимидан олинган қуйидаги рақамлар диққат-эътиборимизни ўзига тортди. Унда 2012 йилда туман аҳолиси жон бошига йиллик тухум етказиб бериш меъёри 121 дона ўрнига 146 донага белгилаб қўйилган. Бу дегани — паррандачилик — етти хазинанинг бири эканлиги аллақачон Мингбулоқ туманида ўз исботини топганлигидан дарак бераётир.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

"Ўзмелиомашлизинг":

# ФАОЛИЯТ КЎЛАМИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА

**...Қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлардан доимий равишда хабардор бўлиб, уларни таҳлил этиб борадиган бир танишим бор. У билан учрашганимизда, баъзан телефон орқали тармоқдаги янгиликлардан бир-биримизни воқиф этамиз. Шундай мулоқотлар чоғида деҳқончилик, чорвачилик, ирригация-мелиорация ва бошқа соҳаларда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.**

Яқинда ўша жонкуяр инсон қўнғироқ қилиб қолди. Унинг гап-сўзларидан қандайдир янгиликдан хурсанд бўлганлиги сезилиб турарди:

— "Ўзмелиомашлизинг" компаниясига дахлдор бир эълонни газета саҳифаларида ўқиб, янги маълумотга эга бўлдим. Бу компания фаолиятидан бирмунча бохабар эдиму, лекин унинг қошида мелиорация ва қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатишга ихтисослашган "Мелиомашлизингсервис" шуъба корхонаси ташкил этилганлигини эшитмагандим. Шу ерга хорижда ишлаб чиқарилган гидравлик экскаватор ва бульдозерларни бошқариш, уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича муҳандис-техник, механик-таъмирловчи сингари малакали мутахассислар ишга таклиф қилинаётганлиги фаолият миқёси тобора кенгайиб бораётганлигини кўрсатади.

Шу суҳбат сабаб бўлиб, "Ўзмелиомашлизинг" давлат лизинг компаниясининг ишлари билан яқиндан танишдик. Унинг тўрт йиллик фаолияти давридаги асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил этдик.

Президентимиз томонидан 2007 йил 29 октябрда имзоланган "Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон мамлакатимизда шу йўналишда кенг кўламда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Фармонда белгиланган улуғвор вазифаларни тўла-тўкис бажариш ҳаракат дастурини белгилаб олишни тақозо этди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. 2007 йил 21 декабрдаги "Ўзмелиомашлизинг" давлат лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги қарор шулардан биридир. Унда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фаолияти билан шуғулланувчи сув хўжалиги, қурилиш ва фойдаланиш ташкилотларига, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларига, фермер хўжаликларига уларнинг топшириғига кўра харид қилинадиган мелиорация техникаси, машиналари ҳамда бошқа механизация воситаларини лизингга бериш ушбу компаниянинг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Шу ўринда ишни ташкил этишнинг бир қатор муҳим жиҳатларига тўхталиш жоиз. Юқорида қайд этилган қарорнинг учинчи иловасига асосан тасдиқланган мелиорация техникаси етказиб берувчиларни танлаш бўйича идоралараро тендер комиссияси қарорига кўра ғолиб деб топилган корхоналардан харид қилинади. Шунга мувофиқ ўтказиб келинаётган тендер савдоларига асосан техника воситалари мамлакатимиздаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерациясидаги корхона ҳамда компаниялардан сотиб олинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таъкидлаб ўтилган қарори билан тасдиқланган "Мелиорация техникаси, машиналари ва бошқа механизация воситаларини харид қилиш ва лизингга бериш тартиби тўғрисида"ги Низом компания фаолиятининг мезони бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга кенг кўламда киришилгач, бир қатор ташкилий ишлар ҳам бажарилди. Хусусан, 2008 йил 7 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. "Ўзмелиомашлизинг" компанияси техника воситаларининг асосий қисмини шу ҳужжатга мувофиқ ташкил этилган давлат унитар корхоналарига лизинг шартномалари асосида етказиб бермоқда.

— Мелиорация техникаси, машиналари ва бошқа механизация воситаларини лизинг асосида харид қилишда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ва компаниямиз маблағларидан фойдаланилмоқда, — дейди "Ўзмелиомашлизинг" компаниясининг ижро этувчи директори Акром Сулаймонов. — 2011 йили жамғарманинг 20 миллиард, компаниянинг 3,9 миллиард сўм маблағлари ҳисобидан 203 та замонавий техника воситалари харид қилинди.

Бу йўналишдаги фаолият кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Масалан, лизинг асосида техника воситалари олувчи корхона ва ташкилотлар 2011 йил 1 январь ҳолатига 81 та эди. Жорий йилнинг шу муддатига келиб,



уларнинг сони 120 тадан ошиб кетди. Яна бир кўрсаткич ҳам иш миқёси жадал ўсаётганлигини кўрсатади. 2011 йил бошигача лизинг асосида етказиб берилган техника воситалари 91,1 миллиард сўмликни ташкил этган бўлса, жорий йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 118,8 миллиард сўмликдан зиёд бўлди.

Ҳаёт ҳеч қачон бир ерда тўхтаб турмайди. Ҳар бир корхона, ташкилот фаолиятини янада такомиллаштиришни, иш жараёнларига янгиликлар киритишни, юзага келган масалалар ечимини топишни талаб қилади. "Ўзмелиомашлизинг" компаниясида ҳам айнан шундай йўл тутилди. Технологик жараёнлар талаби ҳисобга олинган ҳолда ва лизинг хизмати кўрсатилувчи корхоналар билан ҳамкорликни изчил йўлга қўйиш ҳамда уларга қулайлик яратиш мақсадида компания қошида "Мелиомашлизингсервис" шуъба корхонаси ташкил этилди. Бу мелиорация техникасига кафолатли муддатда ва ундан кейинги даврларда малакали сервис хизматлари кўрсатиш, ишлаб чиқарувчи корхоналардан эҳтиёт қисмларни тўғридан-тўғри харид қилиш, пировард натижада самарадорликни янада ошириш имконини бермоқда. Зеро, излаган имкон топади, деб бежиз айтилмаган. Компания жамоасининг барча саъй-ҳаракатлари республикамизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга муносиб ҳисса қўшишга қаратилган. Она заминни захдан халос этиб, унинг унумдорлигини ошириш мўл-кўл қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга, халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

**Суннат САЙДАЛИЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

